



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 173 (8913).

1986 йил

9 сентябрь,
сешанба

Баҳоси 3 тийин

• XII БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА •



ТОШКЕНТ
СОБИР РАХИМОВ
РАЙОНИДА



СОБИР РАХИМОВ райони 30 га яқин машинасозлик, ёнгил ва маҳаллий саноат корхоналарига, 3 та курилиш трести ва ўндан ортиқ транспорт ташкилотларига эга. Доҳий Ленин кимзо чеккан декрет билан ташкил этилган Тошкент Давлат университетининг ҳам шу район территориясида жойлашган. Қатор илмий-техшириш, пойидалаш институтлари, кўп сонли медицина муассасалари ва бошқа ташкилотлар ишлаб турибди.

Район аҳолиси 250 минг кишидан кўп. Ўзидан ортиқ миллион вакиллари яшайди. 36 та маҳалла бор.

Районда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилапти. Бу йил 100 минг квадрат метр турар-жойини фондаланишга топшириш кўзда тутилган. 1986 йилда дефолация ва ветерология институтини, 1176 ўқувчи мактаб, 480 ўқувчи 2 та болалар богчаси фондаланишга топширилди.

16 корхона техника жиҳатдан қайта қуроллантириляпти, реконструкция ишлари олиб борилаётганда. Қуйида районнинг шу кунги қайноқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қиламиз.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида Иттифоқимизда биринчи бўлиб пластизолдан хом ашё тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиздаги бир қатор корхоналарда пластизолдан ўйинчоқлар ишлаб чиқарилаёпти. Лекин у махсус корхоналардан келтирилади. Тошкентда эса биринчи хом ашёдан пластизол тайёрланди. Янги технологияни қўллаш корхонага бир йилда 50 минг сўмлик яқин иқтисодий самара берди. Кўни кеча янги хил хом ашёдан «Йўлбарс», «Ку-

ёш», «Сичон» каби ўйинчоқлар илк бор ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи О. Голубчик, — ундан исталган хилдаги ва рангдаги ўйинчоқларни тайёрлаш мумкин. Улар юмшоқ, чидамли, арзон ва сифатли, яхши ювлади. Бу хил хом ашёдан яна кўп хил ўйинчоқлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида пластизолдан тайёрланаётган харидорлар маҳсулотлар республикамиздан ташқари РСФСР, Украина, Қирғизистон, Қозғоғистон ва бошқа қардош республикаларга ҳам ювлатилмоқда.

КЎНГЛИНГИЗ ТУСАГАНИНИ БУЮРИНГ

Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида республикада биринчи ихтисослашган махсус магазин очилди.

Магазинга ётоқ, ошхона гарнитурлари, диван, стол, стул, шкаф, хонтахта ва бошқа турли мебель комплекслари қўйилган. Бу ерда истаган хил мебелга буюртма беришнинг ҳам мумкин. Буюртма олинганча ўн кунда тайёрлаб берилади. Мижоз истақ билдирилса магазин транспорт билан ердан беради, устalar мебелларни уйга олиб бориб ўрнатиб беради.

Магазинда «Таклиф ва му-

лоҳазалар» дафтарини тутилган. Ундаги фикр ва истақларини ўрганиш асосида қроват, трюмо, шкаф, шкаф-банкетка, тумбочкалардан иборат «Шара» комплекти ишлаб чиқилди. Дастлабкиларини буюртмачилар қилиш билан харид қилинди. Яил охиригача 150 та шундай комплектни сотиш кўзда тутилмоқда. Келаси йилдан оммавий ишлаб чиқаришга ўтилади.

Кўпчиликнинг истақлари асосида ҳозир сервант-жапон намунаси яратилди ва у магазинга намуна сифатида қўйилди. Янги маҳсулот миқдорларга маъқул бўляпти. Келгуси йил бундай сервант-жапондан яна 1,5 мингта ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бирлашма мутахассислари буюртмачилар истақларини ўрганиб, мавжуд мебеллар конструкцияси, безагага ўзгартириш киритишмоқда.

152- КОМПРЕССОР

Кўни кеча экспорт учун тайёрланган 152-компрессор Афғонистон Халқ Демократик Республикасида жўнатылди. Бу эса йил бошидан бери қўшни мамлакатга юборилган ўн иккинчи машинадир.

Компрессор заводи ўзининг сифатли маҳсулотлари билан донг таратмоқда. Корхонада компрессорларнинг янги, замонавий хиллари яратилаёпти. Шунинг учун ҳам жуда кўп мамлакатлар пелмакет буюртмалар берибди. Завод 1986 йилда Куба,

Болгария, Польша, Сурия, Корея Халқ Демократик Республикаси каби ўндан ортиқ мамлакатлар билан шартнома тузиб, 160 компрессорни яқинида ахд қилган. Завод ишчи-хизматчилари бутун куч ва ғайратларини ишга солиб, дўст мамлакатлар учун шартномадаги компрессорларни муддатидан олдин етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Илгир корхона ахли социалистик мусобақани қизитиб бориб мамлакат ахли учун ҳам маҳсулотларни ўз муддатида жўнатишда. Ўн иккинчи беш йилнинг ўтган даври ичида мажбурийатдан ташқари 600 минг сўмликдан кўп маҳсулотни реализация қилишга муваффақ бўлдилар.

ЎЗ ЖАМҒАР- МАЛАРИДАН

Уруш ва меҳнат ветерани Ефим Айзикович Перлинг фашизмга қарши қатъиятчан жангларда иштирок этган. Уруш кузатларини, турмуш огирликларини бошидан ўтказган. У ҳозир Тинчлик фон-

ди фахрий аъзоси сифатида ташвиқот-тарғибот ишларида актив қатнашапти. Шу йилнинг ўзида шахсий жамғармасидан 800 сўмни Тинчлик фонди, 200 сўмни эса Чернобилга ёрдамга берди.

Район территориясидаги қариялар пансионатида бундай саховатли, олий-

ҳиммат кексалар кўп. Ма-салан, Тинчлик фондида бу йил Валентина Яковлевна Қозлова 1000 сўм, Елена Семеновна Уткина 500 сўм ўтказдилар. Бу ерда истиқомат қилувчилар ўз жамғармаларидан минг сўмдан кўп пулни 904-сўмга юборишди. Пансионат аъзолари тинчлик ишига баҳоли қудрат кўмак бермоқдалар.

НУР УЙНИ НСИТАДИ

ШУНДАЙ вақтлар келадими, қишда улкан шаҳринидаги уйларини, жамоат биноларини саҳий қувиш ўз нури билан нситади. Ёқилларга ҳожат қолмайди.

Тошкент турар-жой ва жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш зонал институтини коллектив қурлаётган «Қувиш» илмий-ишлаб чиқариш комплекси олимлари билан ҳамкорликда ана шу йўлда изланишлар олиб бормоқда. Лабораторияларда яхши натижаларга эришилляпти.

Нариманов шаҳридаги «Водник» микрорайонида қурилган уйлар қувиш нури ёрдамида иситилмоқда. Мавжуд қозонхона ёнида 1400 қувиш коллектори, насос ва иссиқлик алмаштириш ускуналари ўрнатилди. У 2072 квадрат метр саҳнини ағаллаган. Қувиш ёрдамида иситиш қурилмаси бир йилда 100 тонна шартли ёқилгини тейайди. Шубҳа йўқки, яқин орада бундай қурилмалар шаҳардагина эмас, чўлларда, тоғларда, турли жойлардаги биноларда ҳам қурилляпти.

САНОАТИМИЗ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси маълум қилишича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1986 йил январь—август планини 103 процент бажарди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1985 йил январь—августда эришилган даражага нисбатан 7,3 процент ошди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 процентни ташкил этди, маҳсулотни кўпайтиришнинг 71 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига олинди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик тошйирлар ва социалистик мажбурийларнинг бажаришда эришган ютуқлари учун СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигини бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотлади.

Жумладан, Тошкент об-ластини ва Тошкент шаҳри бўйича:

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Фазлиддинов Феликс Назипович — К. Е. Ворошилов номи «Ташсельмаш» заводининг цех бошлиғи.

Харитонов Вера Марковна — СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бир-

лашмасининг, силлиқловчи-си.

ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Муслим Ирин Харасович — СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори. Сандазаров Тожиқул — К. Е. Ворошилов номи «Ташсельмаш» заводининг тоқари.

Юнусов Саидхон — СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси.

Шунингдек, меҳнаткашлардан яна 22 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 10 киши Халқлар дўстлиги ордени, 38 киши «Хурмат Белгиси» ордени, 7 киши II даражали Меҳнат Шўхрати ордени, 46 киши III даражали Меҳнат Шўхрати ордени, 65 киши «Шахматли меҳнати учун» медали ва 77 киши «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун» медали билан тақдирланди.

Тошкентда умумжаҳон конгресси очилди

Кеча Тошкентда Бернулли номидаги математик статистика ва эҳтимолий назарияси жамиятининг I-Жаҳон конгресси иш бошлади. Ўзбекистон пойтахти Бернулли номидаги математик статистика ва эҳтимолий назарияси жамиятининг I-Жаҳон конгресси ўтказилмаган жой қилиб танланди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирининг илтимосига биноан конгресс ташкилот комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академияси В. А. Стеклов номидаги математика институтининг етакчи илмий ходими профессор Владимир Михайлович Золотарев илмий анжуман тўғрисида гапириб берди.

Биз ҳаётимизда нисбатан муҳим бир ҳодисани ҳисобларимиз. Бу ҳодиса яқин ўн йил ичида цивилизациянинг кифийсони тубдан ўзгартириб юборадиган кўринебди. Бу — илмий ва амалий феолиятнинг ҳаёми соҳаларини математиклаштиришдан иборат бўлиб, аввало электрон-хисоб машиналари тўғрисида мумкин бўлди.

Бу ҳодисани аҳамияти ва оқибатлари жиҳатидан уран элементининг бўлинишини кашф этиш билан таққосласа бўлар. Компьютерлар шундай хисобларни бажаришга имкон бердики, бунинг шунчага нис-

рий тадқиқотлар ва уларнинг тадқиқотида мутлақо қилиб бўлмади.

Эҳтимолий назарияси бунда келишини швейцариялик аҳолий математик Якоб Бернуллининг 1713 йилда чиққан «Таблицлар сенатия» китоби билан боғлаш қабул қилинган.

Совет эҳтимолий назарияси мактаби кўпгина мутахассисларнинг номлари билан фарҳанга олади. Бу борада аввало жаҳоннинг катта математикаларидан бири академик А. Н. Колмогоров номини айтиш лозим.

1976 йил бир қанча мамлакатларнинг математик мутахассислари Бернулли номида халқаро жамият тузиб, эҳтимолий назарияси методларини ва унга туташ математик статистикани ривожлантириш ва оммалаштириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Бернулли жамиятининг раҳбарлари мамлакатимизнинг I-Жаҳон конгресси ўтказилмаган жой сифатида танланганликлари совет эҳтимолий назарияси мактаби ҳурмат-эҳтиромга сазовор эканлигини ифода қилди. Бу мактабни бунда келтиришга ўзбекистонлик олимлар ҳам қаттагина ҳисса қўшдилар.

Конгресс 34 секциясининг ишида 500 га яқин чет эллик олимлар ва 700 нафар совет мутахассислари иштирок этди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Тошкент парфюмерия фабрикаси ишчи-хизматчилари аҳоли талаб ахтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Фабриканинг ҳушбўй, замонавий атир-улолари келинги пайтларда севиб харид қилинмоқда. Яқинда фабрика лабораториясида яна икки янги маҳсулотнинг

дастлабки тажриба нусхалари тайёрланди. Кўп ўтмай ҳар иккала маҳсулот — «Сувани» духини ва «Снежест» дезодорантин қўллаб ишлаб чиқариш мақсадида мувофиқ деб топилди.

Тез қўнларда ҳар икки парфюмерия буюмлари ҳам савдо пештахталаридан ўрин олади.

Н. АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов районида фотоланган.

А. Зуфаров ва Т. Каримов фотолари.

ХОСИЛ—86

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

ОБЛАСТИМИЗ Кишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил пахтадан кўп ва сифатли ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар област тажкорлар Совети тавсиялари асосида иш юритиб, ғўза парваришида барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ва самарали ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам асосий майдонларда ғўза машина-боп қилиб ўстирилди. Айни пайтда ҳосил тақдирини ҳал қилувчи яна бир муҳим тадбир — дефолиация бошлаб юборилди.

Дефолиация асосан трактор апаратлари ёрдамида ўтказилляпти. Барг тўқини қисқа фурсатларда, тез ва соз ўтказиш учун қозонлар ва совхозлар пухта ҳозирлик қўридилар. Тракторлар ва ОВХ пурақачилари сифатли тайёрланди. Натижада дефолиация ишлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Ўтган кунги Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номи қозон, Бекобод районидаги Ойбек номи совхозларда 8 тадан агрегат ишлатилиб, уларнинг ҳар биринида 25 гектардан майдон дефолиация қилинди. Шунингдек, Пискент районида-

ги «Гулистон». Оқсўғрон районидаги Охунбобоев номи қозон ҳамда Куйбишев номи қозонларда бу тадбир намунали йўлга қўйилди. Умуман, областимиш бўйича ўтган кунги 315 ОВХ агрегати ишлатилди. Уларнинг ёрдамида жами 3775 гектар майдондаги ғўзага дори сепилди.

Меҳанизаторларнинг иш унумдорлигини ошириш учун ҳамма ерда уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Улар учун иссиқ овқат ташкил қилинмоқда. Айни кунларда ляхтакорларнинг бутун фикри-зиқри дефолиацияни 17 сентябрга қадар тугаллашга қаратилган.

«Ўзбексельмаш» заводидан 4-механика цехи корхонада биринчи бўлиб, қишга тайёрларини тугатди. Сентябрьнинг ўрталарига келиб бошқа цехлар ҳам қиш-қировли кунларда бир метрда ишлашга тайёр эканликлари ҳақида рапорт беришларни керак.

«Ез ёничининг қўйма, қишда ўзинг биласан» деган мақол бор. Бу корхонада эрта кўкламдаёқ қишга тайёрларини бошлашмоқда. Илгари иссиқлик изолляцияси ишлари олдатиқидек, ойдан-ойга сурйилб кетаварди. Оқибатда бу ишлар муддатига бажарилмади, иссиқлик бой берилади. Бу йил эса йил бошидаёқ коммуналчиларнинг иссиқ тугатилган материал билан ўрашга қарийб 20 минг сўм сарфланди. Ер юзасидан шохобчалар ремонтдан чиқарилади. Буларнинг ярим километри қайтадан қурилади. Емгир сувлари оқиб кетадиган новлар, айланма сув таъминоти магистраллари тозаланди.

Бутун электр қўвчиларини қайта қўйилди. Ремонтдан чиқариладиган қишқик станция энергия кўп истеъмол қилинадиган куз-қиш мав-

сумига тайёрланди. Кабеллар қаровдан ўтказилди. Эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Электр энергияси билан таъминлашда узилтиш рўй берса, махсус график асосида ишлашга ўтиладиган бўлди.

Қиш мавсумида ишлаш комплексидан ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам муҳим ўрин олди. «Ўзбексельмаш»чилар ўйлаб қолди: брак маҳсулот тайёрланган учун биз ишчиларнинг қаттиқ тегаймиш. Иссиқлик ва электр энергияси нест-нобуд бўлган учун эса ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Маъмурий буйруқ чиқариб, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда йилгидан қишқасаларга фойдаланилган учун пул жаримаси жорий этилишини эълон қилди. Тушулган вақтида станок бекорга ишлаб туриши, қорнада беҳудага электр чироқларининг ёниб турганини,

ишланган қисилган ҳавонинг иссоф бўлиб чиқиб кетаятигани, дераза ойналарининг синганлиги ёки қишқировли кунларда цех дарвозаларининг дағи очиб қўйилгани — буларнинг ҳаммаси «майда-чўйда» иш эмаслиғи барчага тушунирилди. Бу ишларга энергетиклар ёнига қириб, ҳамма бош қўйди. Натижа тез орада қўрилиб қолди. Биринчи ярим йилнинг ўзидеяк 1 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, қўпгина бошқа ресурслар тежади.

Корхонада тежамкорлик резервларини қидириш давомида Пехдаги ёниш ускуналарни реконструкция қилишмоқда. «Умуман цехини эмас, балки ҳар бир иш жойини ёритишга қарор қилдилар. Автоматик тарзда чироқни ўчирадиган қу-

рилмалар ўрнатилмоқда. Худди ана шу тадбирнинг ўзи хисоб-китобларга қараганда 40 минг киловатт-соат энергияни тежашга ёрдам беради. Рационализаторлар қозонлардан чиққан иссиқликдан химикатларни қидириш учун фойдаланишни тақлиф этдилар. Ўз «хизмати» ни ўтаб бўлган буге эса илгарингидек ҳавога чиқиб кетмасдан, ишлаб чиқариш ахтиёжлари учун зарур бўлган сувни илтимоқда. Қуюв цехида ўрнатилган янги самарали иссиқлик алмаштириш қурилмаси ҳар йил 300 тоннагача ёнилган тежаб қолмиш имконини беради. Бу қурилма темирчилик печалардан иссиқ ҳавонини йиғиб олади ва цехларини иситишга узади. Бу янгиликнинг муваффиқлиги ҳам корхона рационализаторларидир.

Б. ХАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СОВҒАГА—
6 ТА БОҒЧА

ПОЯТХТИМИЗДА мак табғач тарбия муассасалари тармоғи тобора кенгаймоқда. Бу ишга «Гавташкент-строй»нинг 159-курлиш трести бунёдкорлар катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг гайрати тафайл ақидла 6 та боғчалар боғчаси кичиктоғларда тортиқ қилинди. Собир Раҳимов райондаги меҳнат наҳарчаси ва Тансиқбоев кўчаси, Чилонзор райондаги Д-20 квартал, Ҳамза райондаги Жуковский кўчаси ва 2-микрорайон ҳамда Сергелда ишга тушган мактабга тарбия муассасалари меҳнатчиларнинг 2000 га яқин ўғил-қизларини ўз бағрига олади.

Курувчилар йил охиригача 4 та боғчани фойдаланишга топширадлар.


Р. ЯҒЛИЧЕВА.

904-СЧЕТГА

ҚАЛБ
ДАЪВАТИ

ЧЕРНОВИЛЬ атом электр станциясида юз берган авариядан зарар кўрганларга ёрдам кўлини чўзиш бутун қанда областинида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши учун қалб даъватига айланиб қолди. Жузладан Габаб районининг уруш ва меҳнат ветеранлари, маорифчилари, педагог ва ўқитувчилари ҳам сентябр ойида бир кунлик иш ҳақи — 11 миңг сўмни черновилликлар учун ёрдам фонди 904-счётга ўтказдилар.

А. ТУРУНТОВ.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ
ОБЪЕКТЛАРИДА

ХОВЛИ ТҲЙЛАРИ

НАВОИЙ номли колхознинг Гулистон участкасида «Марҳамат» қишлоқ уй-жой куриш кооперативи ташкил этилганига қўл вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай улар томонидан қўллаб кооператив уйлар бунёд этилди.

Яқинда кооперативчилар қишлоқ меҳнатчилари учун яна учта уйни фойдаланишга

топиришди. Ана шу бинокорлик ишларида «Узрог-проектстрой» бирлашмасининг 1-трестига қарашли 54-хўжалиқларро меҳнатчи-лашган кўча колонна қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Йил охиригача қишлоқда ана турта кооператив уй фойдаланишга топширилади.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулини эртага—10 сентябрь кунни соат 17.00 дан бошлаб ўтказди. Бу сафар қабулни Тошкент шаҳар прокуратурининг ёрдамчиси Нурмат ТУРСУНМатов бошқаради.

Шиноат, ариза ва илтимосномалари бўлган ўртоқлар ана шу қабулхонада келишлари ва ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан муножаат қилишлари мумкин. Келишга имкон топилмаган ишларга редакция жамоатчи Совети қабулхонаси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уи, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ
ҚАБУЛХОНАСИ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ»ГА
ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАРИ!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойлариди каби республикамизда, жумладан областимизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна давом этилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишини унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги, йўқ юрти ва турар

жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишда, 1 ноябрдан обуна бўлганга қадар газетани 1987 йил февралдан бошлаб етказиб бериладди.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга—6 сўм 60 тийин.

ЭРТАКЛАР
ОЛАМИГА САЁХАТ

В. И. ЛЕНИН номли кўча ва Космонавтар проспекти туташган жойда яқиндагина фойдаланишга топширилган «Шарқ» эртаклари шаҳарчаси салқин тузиши билан кичиктоғлар билан жағуллашиб кетди. Бу ерда уларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Шаҳарчада 60 дан зиёд турли хил ағимчқлар, сирпанчқлар, каруселлар ва бошқа хил ўйинчқлар бор. Болалар масканини Фрунзе район корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари бунёд этишди.

Эртаклар шаҳарчасини куриш гоёси,— дейди Фрунзе район партия комитети секретари Т. И. Искандаров,— партия, Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари ҳамда районимиз ишчилари билан олишлари учун барча шароитлар яратилган. Шаҳарчада 60 дан зиёд турли хил ағимчқлар, сирпанчқлар, каруселлар ва бошқа хил ўйинчқлар бор. Болалар масканини Фрунзе район корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари бунёд этишди.

Эртаклар шаҳарчасини куриш гоёси,— дейди Фрунзе район партия комитети секретари Т. И. Искандаров,— партия, Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари ҳамда районимиз ишчилари билан олишлари учун барча шароитлар яратилган. Шаҳарчада 60 дан зиёд турли хил ағимчқлар, сирпанчқлар, каруселлар ва бошқа хил ўйинчқлар бор. Болалар масканини Фрунзе район корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари бунёд этишди.

и ишчиси К. Галицкий, 103-автотбаза ҳайдовчиси М. Нурдинниловларни эса деярлик шанба ва якшанба кунлари учратиб мижин эди.

«Шарқ» эртаклари шаҳарчаси лойиҳасини Тошкент уй-жой лойиҳалаш институтининг И. Мирзохидов раҳбарлигидаги бир группа архитекторлари ишлаб чиқишди.

Эртаклар шаҳарча маънавий мазмунини яхшилашнинг ёмонлик устидан галаба қозониш тарзи ташкил этиди. Шаҳарчадаги ҳар бир композиция шарқ эртаклари қадрамолларининг ҳайкалтарошлик рельефлари билан жиҳозланган. Ана шу шаҳарча ташкил этишда ҳайкалтарошлар В. Гамбаров, Н. Галицкий, В. Чуб, Л. Черепановлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бу ерда «Ёш рассом» бурчаги очилган. Турли хил кеча ва дискотекалар учун ёшлар маркази ҳамда болалар кафе-си ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда турли ёшдаги болаларнинг бўш вақтларини мароқли ҳамда мазмунли ўтказиш учун барча кулайликлар яратилган. «Шарқ» эртаклари шаҳарчаси Тошкент болаларининг энг сеvimли жойига айланиши шубҳасиз, Фрунзе район ташаббускорлари изидан борувчилар сари эса тобора кўпаяди деган умиддамиз.

В. СИНЯГИН.



Суратларда: «Шарқ» эртаклари шаҳарчасидан фотолавлалар.

Автор фотолари.

КЕЧА Дўрмонда ёш ёзувчиларнинг IV республика семинари очилди.

СЎЗ—СЕМИНАР ҚАТНАШЧИСИГА

ИЖОД БЎСАҒАСИДА

ЭРНЕСТ Хемингуэйнинг таъбири билан айтганда, энг қийин ёзишни бошлашди. «Ёзишни бошлаш», яъни катта ижод мўқаддимасида ҳар кимда турли хил кечадиган мураккаб маънавий-руҳий жараён. Кимдир ёзишни етти ёшда бошлаши мумкин, бошқа биров эса етмиш ёшда. Аммо унинг асарлари бутунлай одамларга, халқ ҳаётини ифодалашга қаратилмоғи лозим. Халқ эса ижодкордан фақат ҳақиқатни талаб қилади. Қодиридан тортиб то ўзларининг дедил ва ақойиб изланишлари билан биз, эндигина каламини чарх-лаётган ҳаваскорларга ўрناк бўлаётган, биздан бир асрдан асрига ўтувчи акалари-мизгача — ҳамма-ҳамма ўз китобларида халқ ҳаётини ҳақиқий тасвирлашга интиломоғи шарт. Шу йўлдан бориш — биз, ёшлар учун ҳам фарз, ҳам қарз!

«Ёшлик» журналининг шу йилги август сонини ярақлаб ўқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижодкор ёшлар билан ишлаш янада такомиллаштириш ҳақидаги қарори ёдига тушди. Ёш авлодга ғамхўрлик руҳи билан суғурилган мазкур қарор муносибати билан журнал бутун бир сонини янги номларга бағишлаган, кўнгилга истабдодли ёшларни кашф этган. Мана шу биргина фактнинг ўзи ҳам биз, ёшларга эътибор кўчаётганлигини кўрсатади.

Мен шу йил университетнинг журналистика факультетига адабиётдан кириш имтиҳони топшираётган чоғимда, барча саволларга жавоб бериб бўлгач, имтиҳон олувчи кў-

шимча савол сифатида: «Матбуотда нималарингиз эълон қилингани» деб сўраб қолди. Бир оз ҳаяжонланиб: «Ҳикояларим... «Ёшлик»да...» дедим. «Э, ўша — Тўғамурод сиз бўласизми?», ўқитувчининг кўзларида меҳр ўқунганиб кетди... Ушанда ҳаёлимдан шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзлари келди: «Навқирон овози билан садо берган ҳар бир қаламқаш адабиёт жонқуялари дилида, халқ қалбиде ҳа-миша қувонч уйғотади. «Йил» этган чўғ бир кун аланга олиб, сўнмас оловга айланирмикан деб, бизнинг тилимизга кўчмаган армонни у ифода қилармикан деб, ҳам қувонч ҳам кўзда ёш билан қараймиз... Бу ишонч ўз навбатида истебдо-ди имконини англаган ҳар бир ёш қаламқаш гардианида бир умрлик юк бўлиб турмоғи лозим».

Катта ҳаёт ва ижод бўсағасида мана шулар киши ёдига қайта тушади. Бу қалбидеги граҳданлик ва қардорлик туйғунини тереялаштиради. Агар адабиётни зинаполаи муқтадам бир бинога қис-лашдан бўлса, республика-мизда анъанавий равишда ўтказилган ёш ёзувчиларнинг семинари унинг бир погонеси-дир. Рўйида бир-биридан баланд погоналар турибди. Агар тинмай ўқиб-ўргансак, ўз қобилиятимизни узлуксиз ў-тирса борсак, ҳар бир асари-миз устиде кунт ва сабот билан ишласек, бизларни ижодий ютуқлар кутиши мўқар-рар!

Тўғамурод РУСТАМОВ,
ТошДУ журналистика фа-
культетининг 1-курс сту-
денти.

МУЗЕЙГА ҲАДЯ

Истефодаги полковник А. Мамажонов Қизил Байроқ орденли Туркiston Ҳарбий округининг музейига армия газеталаридан қирқиб олинган мақолалар, уруш йилла-ридаги фотосуратлар, бошқа эсдалик ашёлар ва ҳужжат-ларни ҳадя қилди. Улар орасида ветеранга узоқ 1942 йил кўкнамини эслатувчи алоҳида қимматли фотосу-рат бор.

Калинин областидаги Погорелое городище аҳоли пунктидан сал берида ба-талйонга узоқлави станицияни пана қилувчи тепалиқда мустаҳкамланиб олиш туғ-рисида бўйруқ қилинганди. Полк комсорги гвардиячи сийсый раҳбар А. Мамажонов шу батальонга юборил-ганди. Шундай қилиб, ба-

талйон жангчилари транс-пешлар қазиб тўсиқлар ўр-натдилар. Уни шартли ра-вишда батальон деса бу-ларди. Аслида батальондан вазод қолган эди. Қонли жанглардан сўнг омон қол-ган жангчилар соғи ўттиз кишидан ошмасди.

Тўп отишмалардан кейин немис танкларни тепалиқ са-ри ўрмалаб қолди, уларнинг кетидан автоматчилар кели-шарди. Фашистлар окоплар линиясига бир неча ўн метр қолганида А. Мамажонов пу-лемётининг ўқлари душман автоматчиларини тўзғитиб қоборди.

Мана шу жанг учун у Қизил Байроқ орденига сазо-вор бўлганди.

С. ИНДИН,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАР Тўғрида

САМОЛЁТДАН
ИШЛАНГАН
ВЕЗДЕХОД

Ўз ресурсини ишлаб бўл-ган самолётлар халқ хўжали-гига халқ хизмат қилверилиши мумкин. Қуйиёшда политех-ника институтининг олимлари шундай ҳўлосга келдилар. Улар ҳаво кўрасида юради-ган ғалати транспорт қурил-маси лойиҳасини ишлаб чиқди-лар. Конструкторлар янги «вездеход»ни АРП-50, деб ата-дилар.

Бунинг учун самолётни кўп ўзгаришсизга эҳтиёж ҳам йўқ экан — қанотлари билан ба-ландлик усулларини олиб ташлаш кифоя. Самолётнинг қорнидаги ғилдирақлар ўрни-га даламча қангилари бўлган энгил платформа бириктири-лади. Қайта усулланган қува-ват қисми моторлар энергия-сини ҳаво кўраси ағудига келтириш ва ҳаракатлантириш учун юбориб қаради.

Машина ҳозир қурилатган амфибийлардан анча арзонга тушади, эксплуатация характе-ристикалари эса энг юқори талабларга ҳам жавоб бера олади. Битта аппарат 50 киши ёки 80 тонна юк орти олади. У ҳар қандай йўлсиз жойлар-ботқоқлик, қор, қол тулқур узра соатига 150 километр тезликда юра олади. У Си-бир ва Узоқ Шимол учун идеал транспортдир. Граждан авиациясининг қорхоналари-да унга қараб турши ва ре-монт қилиш қийин эмас.

Қуйиёшда олимларнинг энг ечимига қашфат учун бир қанча авторлик гувоҳно-млари берилган. Унга АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларда патент олинди.

Машина ҳозир Лейпциг халқ-ро армаркасида намойиш этилтипти.

Б. БЕЛЯКОВ,
ТАСС мухбири.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

«Пахтакор» спартакиадага
тайёрланмоқда

16—20 сентябрда Марказий «Пахтакор» ста-диониде енгил атлетика бўйича СССР халқлари IX-ёғи спартакиадаси ўтказилди. Ана шу мусо-бақаларга стадионда қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида «Пахтакор» респу-блика спорт техника бирлашмаси директори Я. Г. ЯКУБОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб бер-ди:

— СПАРТАКИАДА му-носабати билан Марказий «Пахтакор» стадиони катта спорт майдони, майиш хона-лари мўддатидан илгари ремонтдан қилинди. Шу-нингдек, кичик спорт май-донига гранит ҳамда мар-марлар ётқизилди. Ана шу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон куришлик ми-нистрлигининг «Ўзспец-строй» трестига қарашли 160-кўча механизация-лашган колоннаси ҳамда Тошкент шаҳар ижроия ко-митетининг ободонлашти-риш бош бошқармасининг махсус йўл-эксплуатация трести қурувчилари яқиндан ёрдам беришди. Югуриш йўлакларини ҳамда ядро, диск улоқтириш секторлари-

га синтетик қопламалар ё-тизишда Киев ремонт кури-лиш бошқармасининг «Со-юзрезинотехника» мутахас-сислари катта ишларни амал-га оширишди. Ўзбекистон маҳаллий саноат министри-лигининг майиш хўжалик бу-юмлари тақрибга заводи қўллаб ностандарт қурилма-лар тайёрлаб берди.

— Яқоб Гафранович, ишчибозлар учун қандай ша-роитлар яратилди?

— Стадионимизда «Мо-лодецкий» кафеос фойдала-нишга топширилди. Бу ерда спортчилар ҳамда ишчибоз-лар турли хил салқин ичим-ликлар истеъмол қилиш би-лан бир қаторда, энгилгина овқатланиб олишлари му-мкин. Шунингдек мазкур

кафе таниқли спортчилар билан учрашув ўтказиш жо-йини ҳам ўтгайди.

Бундан ташқари биз ста-дионимизда янги таблолар ўрнатиш учун Венгриянинг «Электромонтаж» фирмаси мутахассисларини таклиф этганмиз. Бу таблолар про-токол ҳамда ахборотлар бе-риш вақтини анча тежайди. Асосий таблодан ташқари яна қўшимча туртта кичик таблолар ўрнатиладди.

Ҳозирча 830 миң сўмга яқин реконструкция иш-ларини бажардик. Бўйиб ў-тан энгил атлетика бўйича Ўзбекистон XX-спартакиа-даси иштирокчилари биз-нинг стадионимиз ҳақида қўллаб яхши фикрлар бил-диришди. Улар томонидан кўрсатилган камчиликлар эса бартараф этилмоқда.

Спартакиада кунлари ста-дионимизда ишчибозлар етакчи спортчиларнинг на-мунали чиқишлари ҳамда концерт программаларини томоша қилишди.

Умумкоманда ҳисобида рес-публикамиз терма командаси биринчи ўринни эгаллади.

ТУРНИР ҒОЛИБЛАРИ

● ДОНЕЦК шахрида Алек-сей Степанов хотира соврини учун бокс бўйича халқро тур-нир бўлиб ўтди. Унда 146 боксчи иштирок этиди. 57 ки-лограммгача бўлган вазьда икки вақилимиз — тошкентлик Б. Турдыев ва К. Пулатовлар муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ҳамда иккинчи ўрни-ларни эгалладилар. М. Қоробоев ва И. Токерев ўз вақт кате-горияларида соғирлики учинчи ўринни қўлга киритишди. Чир-чилик Ф. Султонов 5-ўринни эгаллади.

СССР ХАЛҚЛАРИ

СПАРТАКИАДАСИДА

● МОСКВА шахрида СССР халқлари IX-спартакиадаси программаси асосида қилич-бозлик бўйича ўтказилган му-собоқалар натоқисага етди. Ра-пирачилар мусобақасида рес-публикамиз вақили — тошкент-лик спорт мастери Дмитрий Казаков муваффақиятли қатна-шди, совринли учинчи ўринни қўлга киритди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ИККИНЧИ лига еттинчи зона командалари ўртасида чемпионатнинг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Халқободнинг «Со-ҳибкор» командаси ўз майдон-ида Ангреннинг «Шахтёр» фут-болчиларини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғолиб қиқишди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди. «Геолог» — «Олой» — 3:1, «За-рафшон» — «Олға» — 2:1, «Хўжанд» — «Янгиер» — 6:3, «Косонсойчи» — «Нефтяник» — 3:0, «Пахтакор» — «Автомоб-листа» — 2:1, «Сурхон» — «Хо-разм» — 0:4, «Вехиш» — «Це-линник» — 3:0, «Хива» — «Еш-лик» — 0:0.

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД

КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325787; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; туғи на-батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

РЕКЛАМА
ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

12 сентябрдан бошлаб

ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ

АРАЛАШ ГРУППАСИ ТОМОШАЛАРИ

йўлбарслар, қора пантералар, қолонлар ва ғейатлар иштирок этиди.

Ҳайвонларни ўргатувчи — Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Михаил БАГДАСАРОВ.

Владимир РУСАНОВ. Павел БОГАЧУК ва Мартирос КЕШЧАНЛАРИНГ қизиқчилик чиқишлари.

Томошалар ҳар кун соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.00 да бошланади.

КАССАЛАР ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ

Марказий касса — соат 9 дан 20.00 гача.
«Болалар дунёси» университет олдидеги шаҳар кас-саси — соат 11 дан 19.00 гача.

Чилонзор савдо марказидаги касса — соат 14 дан 19.00 гача.

Фарҳод армаркасидаги касса — соат 11 дан 19.00 гача.

Олой бозоридаги касса — соат 9 дан 21.00 гача (жуфт кунлари).

Бош универсал магазин яқинидаги савдо расталарида жойлашган касса — соат 10 дан 14.00 гача.

М. Горький номли майдон метро станциясидаги кас-са — соат 16 дан 20.00 гача.

Ҳамза метро станциясидаги касса соат 16 дан 21.00 гача.

Дам олиш кунин — душанба.

Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилин-моқда.

Справқалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-94.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР Биринчилиги учун

ХОККЕЙ

15—16 сентябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) —

«ТОРПЕДО» (Тольятти).

19—20 сентябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) —

«ДИЗЕЛИСТ» (Пенза).

15, 16, 19 сентябрда матчлар соат 18.30 да, 20 сен-тебрда 17.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СТОИЛМОҚДА.

Справқалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 — касса.

ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИНИ САҚЛАЙЛИК

ВА ҚУПАЙТИРАЙЛИК!»

МАВЗУИДАГИ

ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП

ФИЛЬМЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ

Бундай мавзудаги ленталарни кенг намойиш этиш кишиларни мамлакатимиз ҳайвонот ва ўсимли